# ОРОЛ — ҲАММАМИЗНИНГ ДАРДИМИЗ

## ДЕНГИЗ ҚУРИБ БОРАЁТИР




Аср бошида Орол денгизи ҳавзасининг суғориладиган ҳудуди бор-йўғи қарийб 2 миллион гектарни ташкил этарди. Ҳозирги вақтда бундай ерлар 7 миллион гектардан ортиқ майдонни эгаллайди.

Сувдан оқилона фойдаланмаслик оқибатида, қачонлардир дунёда тўртинчи йирик сув ҳавзаси бўлган Орол денгизининг оби-ҳаёти камайиб боришда давом этаяпти. Бу шўр сувли кўл майдони 1961 йилга нисбатан икки бараварга яқин қисқарди, денгиз эса ўз ҳажмини 75 фоизга ва ҳудудини 50 фоизга йўқотди. Унинг бирмунча юзарок қисмини ташкил этувчи шарқий қисми денгиз қирғоғидан 120 километрга ва ундан ортиққа чекинди. Шунга мувофиқ тарзда эса сувнинг минераллашиши Жаҳон уммони шўрланишидан анча кўп миқдорни ташкил қилди. Денгиздан балиқлар ғойиб бўлди. Саҳро ҳозирдаёқ 2 миллион ҳайдаладиган ерни яроқсиз ҳолга келтирди ва ўтлоқлар ҳамда ўсимликларнинг йўқ бўлишига олиб келди. Денгизнинг қуриши давом этаяпти. Агар унга қуйиладиган сув оқими йилига 5 куб метрдан озни ташкил этгудек бўлса, унда 2015 йилга бориб денгиз ўрнида суви ўткир намакобли майда-майда шўр кўллар қолади.

Орол денгизи ҳавзаси дарёларидан сув келиб қуйилишининг ниҳоятда озайиши туфайли унда оби-ҳаётнинг камайиб кетиши содир бўлди. Натижада ўтмишдаги денгиздан фақат номигина қолди.

Амударё 1960 йилгача дунёдаги ҳар қандай дарёга қараганда кўп-йилига қарийб 210 миллион тонна ёгин-сочин оқимини қуярди.

Олимларнинг берган баҳосига кўра, тупроқда туз миқдорининг камайиши пахта ҳосилдорлигини 20 фоизга камайишига, шу билан бир вақтда кучли шўрланиш эса ҳосилдорликни икки бараварга қисқаришига олиб келади.

**ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

Шамоллар йилига қарийб 100 миллион тонна тузли чанг-тўзонни Орол денгизи атрофидаги ҳудудларга сочади.

Оролбўйида қиш совуқ, ёз эса жазирама бўлади. Шунга мувофиқ тарзда ўртача мавсумий ҳарорат мусбат ва манфий бўйича 2 даражага ўзгарди.

Марказий Осиёдаги беш республикада қишлоқ хўжалиги ялпи ички ҳосилнинг қарийб 38 фоизини беради.

Орол ҳавзаси бўйича сув талаб қиладиган қишлоқ хўжалиги 85 фоизга яқинни ташкил этади.

Денгизнинг қуриб бораётган тагидан кўтарилган қум ва туз тўзонлари маҳаллий аҳоли қишлоқларини босиб бормоқда.

Сув бўйларида аҳолининг юқори даражада зич жойлашганлиги ичимлик сувидан ноокилона фойдаланиш, тозаланмаган чиқиндиларни, молларнинг ахлатларини ташлаш табиий ресурсларнинг сифати ёмонлашишига олиб келди: сув ҳавзалари буғланмоқда ва нураш жараёни тезлашаяпти. Аҳолининг тез ўсиб бориши минтақада бундан буён ҳам тақчил сув ресурсларига талабни оширади.

Яқинда космосдан олинган фотосурат денгизнинг ҳозирги ҳажмини ва уни қуршаб турган кенг тузли текисликларни кўрсатиб турибди.

Яшаш муҳитининг ёмонлашиб бораётганлиги туфайли ноёб оққуйруқ сингари турлар йўқолиб кетиши хавфи остида.

Марказий Осиё давлатларининг олдида улкан вазифа — ана шу қумлар кўчишини тўхтатиш муаммоси турибди.

Минтақа мамлакатлари ўртасида сув ресурсларидан оқилона тақсимлашни таъминлайдиган узоқ муддатга мўлжалланган шартномаларни тузиш зарур.

Денгизнинг асл ҳолатини тиклаш Орол денгизи юзасидан давлатлараро дастурнинг асосий йўналишларидан биридир.

*Қутлуғ кун*

## ИЛМГА ФИДОЙИЛИК НАМУНАСИ



Ўзбекистондаги истиқлолий жараёнлар, миллий ўзликни таниш, маънавий-анъанавий қадриятларни тиклаш учун бошланган савобли ҳаракат тарих илмига бўлган қизиқишни ортиқ даражада ошириб юборди. Бундай ҳол айни пайтда миллий давлатчилик сиёсатини ўрганиш, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи масалалари, миллий мафкура ва унинг асосий тамойилларини аниқлаш каби муҳим фундаментал масалаларни ҳал этишда ҳам ўз аксини кўрсатмоқда.

Юқорида зикр этилган ва бажарилиши нуқтаи назаридан жуда мураккаб бўлган илмий муаммоларни ҳал этиш осон иш эмас албатта. Бу ишни ҳал этишда айни кунларда ўзининг 60 йиллигини нишонлаётган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти директори, академик, машҳур археолог олим Аҳмадали Асқаровнинг хизматлари каттадир.

Талабалик йилларидаёқ ўзбек археологиясининг отаси, таниқли олим Яҳё Ғуломовнинг илмий маърузалари ва у киши билан бўлган мулоқотлар ёш А. Асқаровнинг кейинги ҳаёт йўлини белгилаб берди. Талабалик йилларида бошланган устоз-шогирд мулоқоти узоқ йиллар давом этиб, ўзининг самарали маҳсулини берди.

1957 йили ўқишни тугатиб, мактабда бир йил тарихдан ўқитувчилик қилганидан сўнг, илмга бўлган чанқоқлик А. Асқаровни республика Фанлар академиясининг тарих ва археология институтига бошлади. Аспирантурани узоқ Нева соҳили — Санкт-Петербург шаҳрида СССР ФА Археология институтида машҳур археолог М. Грязнов раҳбарлигида муваффақиятли якунлади. 1963 йили «Зарафшон дарёси этаклари бронза даврида» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, қадрдон илм даргоҳига қайтиб келди.

А. Асқаров Ўрта Осиёнинг бронза ва илк темир даври тарихи масалалари билан, айниқса, жиддий шуғулланди. У илмий изланишларини Бухоро вилоятидан бошлади. Унинг ибтидоий давр ёдгорликларини ўрганиш борасида қилган ишлари Зарафшон ва унинг ирмоқлари бўйича академик Я. Ғуломов олиб борган илмий-қидирув ишлари билан узвий боғлиқдир. Бронза даври ибтидоий жамоа хўжалигини икки йўналишда ривожланиши ҳақидаги ғоя А. Асқаров изланишлари туфайли янги маълумотлар билан бойитилди. Хусусан чўл ва дашт зоналарида яшаган чорвадор қабилаларнинг маданиятини ўрганиш ишида салмоқли натижаларга эришди. Айниқса Замонбобо маданиятини ўрганишда олимнинг алоҳида хизматларини таъкидлаш лозим. Бу маданиятга оид қадимги қабристон ва ибтидоий жамоа даври қишлоқ қолдиқлари ковлаб ўрганилди. Уй-жой қурилиши, моддий маданият ашёлари ва дафн урф-одатларини чуқур таҳлил қилиш натижасида дашт-чўл туманларига хос бўлган Замонбобо маданияти илмий асослаб берилди ва алоҳида қадимги маданият сифатида археология фанига киритилди. Тадқиқотчининг чўл-дашт ерларда яшаган қадимги аҳолидан қолган ёдгорликларни даврлаштириш ва улар маданиятини ўрганиш масалаларига доир 20 дан ортиқ илмий мақолалари ва бир китоби чоп этилган.

Аҳмадали Асқаровнинг асарларида қадимги Бақтрия археологик мажмуасини бошланиш санаси (милод олд. VIII аср) ва хронологик доираси (милод.олд. VIII—IV асрлар) белгилаб берилди. А. Асқаров биринчилардан бўлиб бу археологик комплексини Эрон аҳомонийлари билан боғлашни асоссизлигини ва у келиб чиқиши жиҳатидан Жанубий Ўзбекистон ва Шимолий Афғонистоннинг бронза даври маданиятининг маҳаллий илдизлари билан боғлиқ эканлигини очиб берди.

А. Асқаров илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши борасидаги туркум кашфиётлари учун гуруҳ илмий раҳбари сифатида 1985 йилда Ўзбекистон Республикасининг Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1984 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси ва 1987 йили эса Ўзбекистон Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайланди.

А. Асқаров жамоатчи олим, фан ютуқларининг толмас ташвиқотчиси ҳамдир. Ўзбекистон ФАнинг «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», «Фан ва турмуш» журналларида бош муҳаррир ўринбосари, Москвада чиқадиган «Российская археология» журнали таҳрир ҳайъати аъзоси, тарих, археология, этнография соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш махсус илмий кенгаши раиси сифатида меҳнат қилмоқда.

Биз ўз таваллуд топган кунини нишонлаётган А. Асқаровнинг илмий-ижодий, ташкилотчилик ишларига омад тилаймиз.

**А. МАВРУЛОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**

*Шу сонга хабар*

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛИМЛАР — ХЭФА АЪЗОЛАРИ

Энергетика соҳасида ишлаётган ўзбекистонлик олимлар ва илм-фан ташкилотчиларининг хорижда тан олинаётгани Ўзбекистон илмий мактабининг юқори нуфузга эга эканидан далолат беради.

Тошкентга Халқаро электротехника фанлари академияси (ХЭФА) раёсатининг республикада ва хорижда шу соҳа бўйича машҳур бўлган олимларни ушбу академиянинг ҳақиқий аъзолари этиб сайлаш тўғрисидаги хабари келди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги П. Ҳабибуллаев, техника фанлари докторлари, профессорлар А. Каримов ва К. Аллаев шу мўътабар унвонга сазовор бўлди. В. Отаев, Т. Қодиров ва А. Ҳақбердиев халқаро академиянинг мухбир аъзолари қилиб сайланди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, профессор Х. Фозилов ХЭФАнинг фахрли аъзоси бўлди.

Халқаро электротехника фанлар академияси (ХЭФА) таркибига Буюк Британия, Германия, АҚШ, Россия, Польша ва бошқа мамлакатларнинг етакчи тадқиқотчи ва амалиётчилари киради.

Ўзбекистон олимлари электроника соҳасида амалга ошираётган ишларнинг натижалари республика халқ хўжалигида муҳим ўрин тутади. Уларнинг тадқиқотлари мамлакат ёнилғи-энергетика комплекси ишлари самарадорлигини оширишга ёрдам беради, Ўзбекистоннинг энергетика соҳасида ҳам мустақилликни қўлга киритишини таъминлайди.

*Иш билганга...*

# БОШ ОМИЛ — УДДАБУРОНЛИКДА

*У мени кулиб қарши олди. Эски танишлардек ҳол-аҳвол сўради. Чой сузди. Ишлар қай йўсинда кетаётгани билан қизиқди. «Ёрдам керак бўлса бажонидил» деб қўшиб ҳам қўйди. Ўнғайсизландим, хижолат чекдим.*

*Танишинг: Фарҳод Аҳмаджонов. Самарқанд шаҳар Тадбиркорлар уюшмасининг Бош директори, техника фанлари номзоди. 13 йил Самарқанд Давлат университетида ишлаган. Бир қиз ва икки ўғилнинг отаси. Яхши кўрган ҳофизи... Келинг, яхшиси қолганини қуйида ўқинг:*



— Шаҳар Тадбиркорлар уюшмаси беш йилдан бери фаолият кўрсатяпти экан. Айни пайтда уюшма қанча тадбиркорни бирлаштириб турибди?

— Вилоятда 1000 дан ортиқ шахсий, 40 га яқин қўшма, шунингдек, 258 та корхона акционерлик фирмасига ўтиб меҳнат қилишмоқда. Уларнинг деярли кўпчилиги қайсидир жиҳатдан уюшмага алоқадор. Бу эса ўз-ўзидан уюшма 10 мингдан ортиқ ишбилармонларни бирлаштириб турибди, дейишга изн беради. Уларга ҳар жиҳатдан ёрдам берамиз. Бунда махсус мутахассисларнинг хизмати беқиёс. Айниқса, кичик корхоналарга кўпроқ эътибор қаратганмиз.

— Нега энди айнан кичик корхоналарга?

— Биринчидан, кичик корхона фаолиятини йўлга қўйиш фабрика, завод қуришдан кўра қулай. Иккинчидан, ишлаб чиқариш сифати яхши. Шунинг учун ҳам ривожланган давлатларнинг 95 фоиз корхонасини кичик корхоналар ташкил этади. Март ойида чет элда бўлиб бунинг гувоҳи бўлдик. Бир қанча чет эл фирмалари билан алоқалар ўрнатиш тўғрисида келишиб олдик. Гўшт, сут, нон каби маҳсулотларни қайта ишлайдиган цехларни очишни режалаштирмоқдамиз.

— Айни пайтда уюшма қошида қандай цехлар фаолият кўрсатмоқда?

— Тикувчилик, гиламчилик, ғишт ишлаб чиқариш каби бир қатор цехларимиз мавжуд. Яна учта цех ишга тушиш арафасида. Асосий мақсад ҳозирги иқтисодий вазиятда аҳолини иш билан таъминлаш. Бу эса яхши яшашнинг гаровидир.

— Ҳозирги ёш тадбиркорлар ҳақида фикрингиз?

— Қувончли томони, ишбилармонларнинг 70 фоизга яқинини ёшлар ташкил қилади. Бироқ, кўпгина ёшлар, афсуслар бўлсинки тадбиркорлик деганда чайқовчиликни тушунади. Шу боис биз Европа жамияти комиссияси билан ҳамкорликда бизнес мактабини ташкил қилмоқчимиз. Унда ёшлар ўқийди. Бизнес, тадбиркорлик нима эканлигини ўрганишади.

— Унда ўқишнинг нархи қанча?

— Бепул, албатта.

— Сарф-харажатлар нима ҳисобига қопланади?

— Албатта вилоятимиз, қолаверса шаҳримиз тадбиркорларининг ҳисобларидан-да.

— Яна неча йилдан кейин маҳсулотларимизнинг сифати аъло даражага кўтарилиб, баҳоси арзонлашади, деб ўйлайсиз?

— Дабдурустдан, бир нарса дейиш қийин. Лекин ҳозирги йиғилаётган иқтисодий потенциалимиз истиқбол ёрқин эканидан далолат бермоқда. Бундай фикрларни чет эллик таниқли олимуфузалолар ҳам эътироф этмоқдалар. Бироқ, ҳозир ўтиш даври. Бу жараённи хатлаб ўтиб иқтисоди мустаҳкам, барқарор кунларга етишиб бўлмайди.

— Тадбиркор бўлмаганингизда ким бўлардингиз?

— Албатта илм билан шуғулланардим. Бу сўзсиз. Лекин баъзан илм оламига қайтгим келади. Бироқ афсусланмайман. Устозим академик Восил Қобуловдан нафақат илм соҳасида, балки ҳаёт тажрибасидан ҳам кўп нарса ўргандим.

— Сизни нафақат Ўзбекистонда, Ўрта Осиёда биринчи бўлиб, «Сони» дўконини очган дейишади. Шу ростми?

— Рост бўлса керак. Янаям ким билади. Бироқ, Халқаро «Карвон» кўргазмаларини ташкил қилганим ёлғон эмас. Унда турли мамлакат ишбилармонларининг вакиллари қатнашади. Бу рост.

— Уларни очиш, ташкил қилиш жараёнлари ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Ҳамма ишбилармонларники каби оддий. Югур-югур, тўсиқлар, ҳайрихоҳлар, қоғозбозликлар. Бироқ шу ишларнинг амалга ошишида вилоят ва шаҳар ҳокимиятидан жуда миннатдормиз.

— Қайси фасл ва қайси кунни яхши кўрасиз?

— Баҳорни, айниқса ям-яшил далаларни. Кунлардан эса. Бирон кишига яхшилик қилган куним мен учун байрам. Агар бирон бир кун олдимга ҳеч ким келмаса, ўша кунни энг ҳосиятсиз кун, деб ўйлайман.

— Ҳозирги ҳофизлардан кимларнинг қўшиқларини кўпроқ тинглайсиз?

— Ҳаммасини. Аммо улар ичида Ҳайрулла Лутфуллаев ўзига хос деб ҳисоблайман.

— Яқин йилларда қандай хайрли ишларни амалга оширдингизлар?

— «Карвон» деган газета чиқара бошладик. «Динамо» футбол командасига, кам таъминланган оилаларга, маҳаллаларга ҳар томонлама ёрдам бердик ва бермоқдамиз. 1 миллион сўмга яқин хайрия ишларини амалга оширдик.

— Фарҳод ака тадбиркорликнинг бош омили нимада деб ҳисоблайсиз?

— Софликда ва уддабуронликда.

*Биз узоқ суҳбатлашмоқчи эдик. Бўлмади. Шу боис хайрлашишга изн бердик. У ўз тадбиркорлари ҳузурига, мен эса Тошкентга йўл олдим. Аммо, ҳали олдинда дийдорлашув онлари борлигига имон келтирдик. Ҳаммаси ҳақида эса ўшанда...*

Тўлқин РЎЗИЕВ,
«Туркистон» мухбири.



*Яккабоғ туманидаги «Яккабоғ» жамоа ширкат хўжалиги қишлоқларида аҳоли зич яшайди. Шунинг учун ёшларни иш билан таъминлаш хўжаликдаги долзарб масала.*

*Бир пайтлар паррандачилик фермаси бўлган, кейинчалик қаровсиз қолган бино таъмирдан чиқарилди. Тумандаги тўқимачилик фабрикаси раҳбарияти билан бирга қисқа муддатда «Лола» тўқимачилик кичик корхонаси ишга туширилди. Келгусида корхонани янада кенгайтириш режалаштирилган.*

*Ш. ШАРОПОВ сурати*

# БОЛА ЖИНОЯТЧИ

*Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотлар кун сайин жаҳон андозалари руҳида ҳаётга кириб, ўзининг яхши самарасини бермоқда.*

*Бироқ ёшлар, хусусан мактаб ўқувчилари орасида содир этилаётган баъзи нохушликлар — гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, бунинг оқибатида келиб чиқаётган ўғрилик, йўлтўсарлик, босқинчилик, ҳатто одам ўлдириш каби жиноятлар тарбия муассасаларини ҳақли равишда ташвишлантирмоқда.*

*Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг муовини Ботир Раҳмат ўғли Парпиев билан жамоатчи мухбиримиз Хон ДАМИРнинг мулоқотини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.*

**— Ҳурматли Ботир Раҳматович, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар ва уларнинг келиб чиқиши тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз. Ахир, ҳар бир нарсанинг ҳам асоси, томири бор-ку, шундай эмасми?**

— Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқиши асосий сабаблар, фикримизча, қуйидагилардан иборат: 1. Маҳаллий ҳокимиятлар ҳузурида вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг фаолияти талаб даражасида эмас. Кўп ҳолларда Ички ишлар идоралари томонидан ҳуқуқбузар ўсмирлар ҳамда ўз фарзандларининг тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарга нисбатан чора кўриш учун юборилган ҳужжатлар белгиланган муддатларда кўриб чиқилмайди. Бу комиссиялар Ички ишлар идоралари ва бошқа барча ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган вазифасини бажармаяпти. Боз устига умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ўртасида ҳуқуқ-тартибот ишлари сусайиб кетган.

1995 йилнинг 6 ойи мобайнида жиноят содир этган вояга етмаган жиноятчилар сони 26,4 фоизга камайди. Ўқимаган ва ишламайдиганлар сони 600 га камайди. Маст ҳолда жиноят содир этганлар сони 93 дан 76 га камайди. Афсуски, илгари жиноят содир этганлар томонидан қайта жиноятчилик кўпайди. Бу рақамлар ҳали қилиш лозим бўлган тарбиявий ишларимизнинг кўплигидан дарак беради.

2. Ёшларнинг яшаш жойларида тарбиявий ишларни ташкил этишга жалб қилинган кўп сонли педагог-ташкилотчиларнинг фаолиятини тубдан ўзгартириш лозим. Фикримизча, педагогларнинг кўпчилигида тарбиявий ва билим савия етарли эмас. Устига устак, умумтаълим мактабларида 126 минг 766 та тўгарак, 4485 та спорт заллари, 1525 та футбол майдончалари, 20632 та спортга мослаштирилган майдончалар, 40 та спорт-сув ҳавзалари мавжуд бўлгани ҳолда улардан унумли фойдаланилмаётгани ачинарли.

3. Меҳнатга лаёқатли бўлган вояга етмаганларни ишга жалб қилиш муаммоси ҳам жуда секинлик билан ҳал этилаяпти.

Ўтган йили «бекорчи»лардан бир қисми жиноят содир этди. Бу эса барча жиноятчи ўсмирларнинг салкам ҳар учинчисини ташкил этди. Ҳуқуқбузарликлар содир қилинганлиги учун Ички ишлар идораларига 12808 нафар ишламайдиган ва ўқимайдиган вояга етмаганлар келтирилди.

Вояга етмаганларни ва ёшларни меҳнатга жалб қилиш масалаларини ҳал қилишда тегишли ташкилотларнинг, жумладан, Меҳнат вазирлиги, Меҳнат биржалари, Ёшлар Иттифоқи қўмиталари, ҳокимликлардаги комиссиялар, маҳалла «Хайрия» жамғармалари вакилларининг фаоллиги сезилмаяпти. Булар томонидан нотинч оилаларда юзага келган нохуш аҳволни барқарорлаштириш ишларига етарли аҳамият берилмаяпти.

Бундай оилаларни аниқлашда маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари, ўқув юртлари педагогик жамоаларининг иштироки ниҳоятда паст даражада. Шунга қарамай ички ишлар идоралари ходимлари томонидан 2257 нафар шундай ота-оналар аниқланиб профилактик ҳисобга олинди. Улардан 35 таси ичкиликдан даволаш муассасаларига юборилди, 71 тасига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида судларга тегишли ҳужжатлар тақдим қилинди. Айтиш мумкинки, бу кўрсаткичнинг ўзи ҳам тарбия билан шуғулланувчилар ишларининг ёмонлигини кўрсатмоқда.

4. Ёшлар ўртасида ичкиликбозликнинг олдини олиш масаласи бўйича тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Бунинг натижасида маст ҳолда жиноят содир этган вояга етмаганлар бор. Ичкиликбозликка қарши қонунларни бузганлиги учун 1782 нафар вояга етмаганлар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликни ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида Ички ишлар идораларининг фаолиятида маҳаллий ҳокимликлар ваколати доирасида ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжудлигини айтиб ўтмоқчиман.

## «ҚИРҚ КОКИЛ»ЛИЛАР ТАНЛОВИ

Тошкентдаги «Туркистон» саройида ўтказилган Марказий Осиё сартарошларининг «Қирқ кокил» иккинчи халқаро танлови иштирокчилар ва томошабинлар учун гўзаллик ва маҳорат намойишига айланди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг машҳур ва ёш усталари сартарошлик санъатини кўз-кўз қилиш борасида беллашдилар. Томошабинлар кўз олдида янги санъат «асар»лари пайдо бўлди.

Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуи сартарошхонаси устаси Лилия Муфтахованинг «Наврўз» деб номланган соч-пардози биринчи ўринни олди.

Иккинчи марта ўтказилган бу танлов республикамиз усталарининг тўла устунлиги билан якунланди — Ўзбекистон усталари биринчи ўринни эгаллади. Тожикистонлик усталар командаси таваккал қилгани ва жасорати учун махсус совринга лойиқ кўрилди.

— Минтақамизда сартарошлик соҳасидаги янги, шарқона усул пайдо бўлди, — деди «Дилором» сартарошлик хизмати фирмаси бош директори Одил Абдураҳмонов. — У ўзига хослик билан миллий услубларнинг уйғунлаштириб юборилгани туфайли тобора кенг майдонни забт этмоқда. Бундай танловлар — қизиқарли томошагина эмас. Улар иштирокчиларга ўз имкониятларини намойиш қилиш учун шароит ҳам яратади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

## ШАРИФА ЧИКАГОГА БОРАДИ

Ижтимоий фанларни ўқитиш муаммоларига бағишланган халқаро анжуман ишида фарғоналик Шарифа Алимова ҳам иштирок этадиган бўлди. Фарғона политехника институтининг чет тиллар кафедраси етакчиси Шарифа Алимова янгиликка интилувчан, серғайрат мураббиялардан. Унинг яқинда ёзган «Ўзбек тилида сўзлашувчилар ўртасида инглиз тилини ўқитиш соҳасида оғзаки сўзлашув нутқининг аҳамияти» деб номланган рисоласи хорижий матбуотда эълон қилинди-ю, у кўпчилик мутахассислар назарига тушиб қолди.

Фарғоналик муаллима дунёнинг 30 дан ортиқ давлат вакиллари иштирокида бўлиб ўтадиган нуфузли халқаро йиғинга таклиф этилди. АҚШнинг Иллинойс университети энди узоқ Ўзбекистонни, унинг Фарғонасини кашф этади.

(Ўз мухбиримиз).

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

БРЮССЕЛЬ. БМТ ва НАТО ҳарбий ҳаво кучлари Босния сербларига қарши ҳаво ҳужумларини яна 72 соат тўхтатиб туришга қарор қилдилар.

Серб армияси қўшилмалари бош қўмондони генерал Драгомир Милошевич Сараево атрофидаги БМТ «Хавфсизлик ҳудуди»дан серб қўшинлари олиб чиқилаётгани тўғрисида баёнот берганидан сўнг бундай қарорга келинди. Баёнотда серблар БМТ томонидан қўйилган шартларнинг асосий қисмини бажаргани ва 18 сентябрь куни Сараевони қуршаб олган серб қуролли кучларининг 50 фоизи олиб кетилгани айтилди.

Ўз навбатида Босния мусулмонлари ҳукумати раҳбарлари серб қўшинлари БМТ ҳимоясидаги ҳудуддан бутунлай олиб чиқилишини талаб қилмоқдалар.

Якшанба куни Сербия Президенти Слободан Милошевич Буюк Британия Ташқи ишлар вазири Малкольм Рифкинд билан учрашиб, серб қўшинларининг Сараево атрофидан олиб чиқилиши Босниядаги мажороларни тинч йўл билан бартараф этиш учун янги умидлар уйғотаётганини таъкидлади.

***

СКОПЬЕ. Македония ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида дипломатия алоқаларининг ўрнатилишини Македония халқи чексиз қувонч билан кутиб олди. Бу ҳақда Македония Президенти Киро Глигоровнинг ушбу воқеа муносабати билан берган баёнотномасида маълум қилинди.

Баёнотномада таъкидланишича, Америка-Македония муносабатларининг йўлга қўйилиши жанубий Болқондаги тинчликни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Македонияликлар ҳаётида юз берган бошқа бир қувончли воқеа ҳам Американинг бевосита иштирокида амалга ошди. Нью-Йоркда Македония билан Греция ўртасида вақтинчалик келишув битими имзоланди. Маълумки, Македония собиқ Югославиядан ажралиб чиқиб, ўз мустақиллигини эълон қилгач, мамлакатнинг номланиши борасида Греция билан Македония ўртасида ихтилоф пайдо бўлган эди. Греция Европа ҳамжамиятидаги мавқеидан фойдаланиб, қитъа мамлакатларини Македония ўз номини ўзгартирмагунча, уни давлат сифатида тан олмасликка даъват этган эди.

(ЎзА)









## ЎҚИГАНИ КЕЛДИНГМИ, ЎҚИ!

### ТошДУ ҚОШИДАГИ САЪДИ СИРОЖИДДИНОВ НОМЛИ ЛИЦЕЙ ЖАМОАСИНИНГ ШИОРИ ШУНДАЙ

Саъди Ҳасанович бундан 25 йил муқаддам — 1970 йил сентябрда лицей очилишида сўзлаб, агар ушбу мактаб-интернатда ўқиган бир киши фан номзоди бўлса ҳам, қилган ишларимиз зое кетмабди, деб ҳисоблашимиз мумкин, деганди. Бугун эса...

— Лицейни битирганлар орасидан 150 дан зиёд фан номзоди ва яна бир неча киши фан доктори бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим,— дейди лицей директори Мирфозил Мирзааҳмедов.— Ўқувчиларга ҳам асосан малакали муаллимлар, олий ўқув юртлари домлалари дарс беришади.

Лицей янги очилган йилларда математика ва физика синфларигина мавжуд эди. Кейинчалик химия синфи, беш йилдирки биология синфи очилди. Иқтисод ва инглиз тили синфи очилганига эса унчалик кўп бўлгани йўқ.

— Ўқувчиларимиз турли олимпиада ва танловларда мунтазам қатнашиб келишади,— дейди лицей директори фахрланиб.— Лекин биз ҳеч қачон эришилган ютуқларимиз билан кифояланиб қолмаганмиз. Чунки илм — тургунликни ёқтирмайди. Қолаверса, давр ҳам шуни тақозо этмоқда. Мамлакатга билимдон ва ишбилармон йигит-қизлар керак. Юртимизнинг донғини дунёга таратадиганлар ҳам шулар.

Лицейга илк марта ташриф этган киши бу ердаги тартиб-интизомни кўриб, бир марта ҳаяжонланиши турган гап. Қизларнинг ораста кийимниши, ўғил болаларнинг бўйнидаги галстуклар мазкур билим масканининг нуфузини яққол намоён этгандек туюлади сизга.

Ва беихтиёр кўзингиз лицей ҳовлисидан кираверишда эшик пештоқига ёзиб қўйилган ушбу ўгитга тушади: «Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин» (Тоха сураси, 14-оят).

**Суратларда: лицей директори Мирфозил Мирзааҳмедов ва лицей ҳаётидан лавҳалар.**

**Муҳаммад АМИН суратлари.**

*Мухлислар, сизлар учун*

## МАЙКЛ ЖЕКСОН ОТА БЎЛМОҚЧИ

***ТУРМУШ қурганларининг бир йиллигини нишонлаган 36 ёшли поп-мусиқа арзандаси Жексон ва унинг хотини — рок-н-ролл қиролининг қизи Лайза — Мария Пресли фарзанд кўриш истагида эканликларини баён қилдилар.***

Шундай қилиб... Жексон яна одамлар ҳузурига чиқди. Оломоннинг қувончи ичига сиғмайди, вертолётлар гир-гир айланади, мушакбозлик чироқлари остида парда очилиб, ниҳоят орзиқиб кутилган Жексон кўринади. Унинг янги компакт-диски «HISTORY» учун тайёрланган тўрт дақиқали рекламали клип шундай бошланади. Майкл Жексонга 4 миллион доллар келтирган пластинка бир ярим ойдирки Ғарбда ошиғич сотилмоқда. Немис тилида чиқадиган «Бунте» журналининг таъкидлашича, поп-мусиқа арзандасининг янги ижод маҳсули «улуғ истеъдод билан тенгтаклик иттифоқи» шу қадар ҳайратланарли бўлиши мумкинлигини исботлайди.

Дарвоқе, Майкл Жексон жуда унчалик тентак эмас, инсоний хислатлар унга ҳам хос экан. Ўз никоҳларининг бир йиллигини нишонлаган Майкл Жексон ва Лайза — Мария Пресли фарзанд кўриш истагида эканликларини тан олдилар. «Биз бола туғилишини кутаётирмиз, аммо қачон...» —Лайза Эй-би-си телекомпаниясига интервьюсини шу сўзлар билан бошлаб эди ҳамки... уни эри тўхтатди: «Биз қачон эканлигини айтмаймиз, чунки буларнинг ҳаммаси — парвардигор измида».



Бу уларнинг бир йилдан зиёдроқ вақт муқаддам Ла-Вега (Доминикана Республикаси) шаҳрида хуфёна никоҳдан ўтганларидан сўнг биргаликда берган мусоҳабалари эди. «Хуфёна» сўзи беҳуда ишлатилганлиги йўқ. Гап шундаки, поп-мусиқа арзандасининг Пресли қизига уйланишида саентологик черков деб аталмиш дин масканининг ҳам алоқадорлиги бор, деган тахминлар юради. Айтишларича, уйланишдан олдин Майклни «ана шу черковга киришга обдон ҳозирлашган».

Эр-хотин Жексонларнинг ўзлари эса, бир-бирларини жондан ортиқ севишларини яна такрорлаб, уларни черков «қовуштирган»лиги тўғрисидаги даъволарни шунчаки тўқима, деб айтдилар.

Жексон бу гапларнинг исботи учунми, яна шуларни қўшимча қилди: «Мен Лайзани илк бор Лас-Вегасда кўрганман. Мен 17 ёшда бўлсам, у эндигина етти ёшга кирганди. Ўшандаёқ «қандай яхши-я» деб, қачонлардир у билан яна учрашишни дилимга тугиб қўйган эдим. Вақти-вақти билан Лайза қандай яшаётган экан, деб қизиқиб турган Майкл кунлардан бир куни журнал муқовасида Лайзани унинг биринчи эри — рок-ижрочи Дэнни Кейо билан бирга тушган суратини кўриб қолади. «Менинг юрагим чил-парчин бўлган эди», — дейди ҳозир ўша кунларни эслаб Жексон.

Гарчанд Лайза Дэннига икки бола— қиз ва ўғил туғиб берган бўлса-да, унинг биринчи эри билан турмуши ўхшамади. Майклнинг айтишича, у Лайза билан тўрт ой учрашиб юрган, сўнгра унга... телефон орқали ўзига турмушга чиқишни таклиф қилган.

Шундай сурурли, кунларда Жексоннинг ойнаи жаҳон орқали «эҳтимолки, бошқа мамлакатга — дейлик, Жанубий Африкага ёки Швейцарияга кўчиб кетаман» деб берган баёноти кўпчилик учун кутилмаган воқеа бўлди. Кузатувчилар «иккинчи вариант»га кўпроқ ишонмоқдалар, чунки чиндан ҳам Майкл бир ярим йил муқаддам: «Мен ҳеч қачон АҚШга қайтмайман. Барча пулларимни Швейцария банк идаги ҳисобимга ўтказаман ва шу ерда қоламан» деган эди-да!


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ

### *«КАПИТАЛ» ВА «КАПИТАЛ-ЛЮКС» ОМОНАТЛАРИ — БУ СИЗНИНГ ДАРОМАДИНГИЗ!*

**«Капитал» ва «Капитал-люкс» омонатлари бўйича даромад ҳар ойда 9% дан тўланади ва бу фоизлардан Сиз тўлиқ ёки қисман олиб фойдаланишингиз мумкин. Бундан ташқари бу омонатларни пул ўтказиш йўли билан ҳам очишингиз мумкин.**

**«Капитал» омонати 1 йил муддатга очилади ва энг кам миқдори 1000 сўм. Бу омонат бўйича фоизларни 1 йил давомида олиб ишлатмасангиз Сиз 180% дан юқори даромад оласиз.**

**«Капитал-люкс» омонати 6 ой муддатда очилади ва энг кам миқдори 3000 сўм. Бу омонат бўйича Сиз жорий ой учун фоизларни олдиндан олиб фойдаланишингиз ва истаган миқдорингиздаги қўшимча пулни қўйишингиз мумкин.**

**Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 45-66-43, 33-51-95**

### *КЎРСАТУВЧИГА БЕРИЛАДИГАН ОМОНАТ ТУРИНИ ОЧСАНГИЗ — СИЗ КЎПГИНА МУАММОЛАРДАН ХАЛОС БЎЛАСИЗ*

**Бунда қуйидаги афзалликлар мавжуд.**

**— омонатнинг сирлиги тўлиқ сақланишига кафолат берилади;**

**— пул қўйиш ёки олиш учун омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинмайди исми шарифи омонат дафтарчасида, ҳамда бошқа ҳужжатларда ёзилмайди.**

**Кўрсатувчига бериладиган омонат бўйича йилига 30% миқдорида даромад тўланади..**

**Қўшимча маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95.**

### *ҚИСҚА МУДДАТЛИ ДЕПОЗИТ ҲИСОБИ — СИЗГА ҚИСҚА МУДДАТДА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ!*

**Бу омонат ҳисоблари:**

**— 3 ой муддатга омонатнинг энг кам миқдори 300 сўм бўлганда 30% миқдорида даромад тўлаш шарти билан;**

**— 6 ой муддатга омонатнинг энг кам миқдори 200 сўм бўлганда 60% миқдорида даромад тўлаш шарти билан;**

**— 12 ой муддатга омонатнинг энг кам миқдори 100 сўм бўлганда 120% миқдорида даромад тўлаш шарти билан очилади.**

**Қисқа муддатли депозит ҳисоблари бўйича омонат фақат нақд пул билан очилади..**

**Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан, ҳамда қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95.**

**Тел.: 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95**


*Ёшлар ва қонун*

## БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИ

Масалан, Тошкент шаҳар болалар қабулхонасининг аҳволи ниҳоятда аянчли. Унинг биноси аср бошида қурилган бўлиб, бу ерда болаларни тарбиялаш учун зарур шароит яратилмаган.

Республикамиз аҳолиси, шу жумладан вояга етмаганлар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Айни вақтда, вояга етмаганлар билан ишлаш назорати ходимларининг ҳар бири 3—5 минг ўрнига 6—7 минг вояга етмаган аҳоли билан тарбиявий ишларни олиб боришга мажбур бўлмоқда. Бундан ташқари, 39 та шаҳар ва туман ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар билан ишлаш назоратлари алоҳида хизмат хоналарига эга эмаслар.

Мана шу ва шунга ўхшаш муаммолар ўқувчи-ёшлар билан кўнгилдагидек тарбиявий ишлар олиб бориш имконини бермаётир.

**— Бозор иқтисодиёти шароитида тижоратни олиб-сотарлик, чайқовчилик руҳида талқин қилиш тобора кучаймоқда. Бу беандишалик «тижоратчи» ота-оналар томонидан ўз фарзандлари — ўқувчи-ёшларга юқтирилмоқда.**

**Бу масалага Сиз қандай қарайсиз?**

— Кўпчиликнинг дилидаги саволни бердингиз. Бироқ, тижоратни, унинг шуғулланиш меъёри ва ҳолатини албатта ҳисобга олмоқ керак. Тўғри маънода ташкил этилган, кўзбўямачиликлардан, фирибгарликдан ҳоли тижоратни ёмонлашга ҳаққимиз йўқ. Ўзимизда ишланган маҳсулотни турли хил алдамчиликлар билан сотиб, одамларни лақиллатиш, албатта, яхши эмас. Тижоратдаги ана шундай қаллобликлардан аҳоли ранжиётгани сир эмас. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони, ҳамма ҳам тижоратчи бўлиб туғилмайди. Бизда эса айрим ёшлар оғир ишлардан қочиб, енгил-елпи кун кўришни афзал билиб, ўзларини тижорат дўконларига урмоқдалар. Тижорат ҳам яхши, аммо ёшлар жамиятга, халққа кўпроқ нафи тегадиган, фойдали меҳнатларга ўзларини урсалар, касб-ҳунар ўрганиб, маълум бир тармоқларни ривожлантиришга ҳисса қўшсалар яхшироқ бўларди.

**— Келгусида жиноятчиликнинг олдини олиш, руҳан, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш учун қандай амалий ишлар қилиш лозим, деб ўйлайсиз?**

— Қилинадиган ишларнинг кўлами кенг. Фикримизча, маънавий пок, ватанпарвар, софдил, ўта билимли, ҳар томонлама етук инсонларни, руҳан ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим.

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа тегишли давлат идоралари билан кенг жамоатчилик ўртасида вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бу мақсадда:

— Кўплаб ёшлар меҳнат қилувчи ташкилотларда, ўқув юртлари ва мактабларда, маҳаллаларда ҳокимликлар қошидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар мажлисларини, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган ўсмирлар суд жараёнларини ўтказиш;

— Ўзаро ахборот алмашишни йўлга қўйиш, вояга етмаганларни назорат қилиш ходимлари ва маҳалла фаоллари, Ёшлар Иттифоқи аъзолари билан ҳуқуқбузар ўсмирлар кўплаб тўпланадиган жойларга рейдлар уюштириш;

— Маҳалла фаоллари, фахрийлар, Ёшлар ташкилотлари аъзоларини мактаб, ҳунар-техника билим юртларига бириктириб қўйиш;

— Ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари тарбиясида диний маҳкамалар, руҳонийлар имкониятидан фойдаланиш, диний ақидалар, муқаддас битикларда ифода этилган одоб, ахлоқ, муомала мезонларини кенг тарғибот қилиш.

2. Ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини ташкиллаштириш мақсадида:

— мавжуд кутубхоналар, тўгараклар фаолиятини жонлантириш; бунда фахрийлар, маҳалла фаоллари, ёшлар ташкилотлари аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ёрдамидан кенг фойдаланиш;

— илм-фан, санъат ва адабиёт арбоблари, дин пешволари билан учрашувлар, бевосита мулоқотлар, кечалар уюштириш;

— турли кўрик-танловлар, викториналар, спартакиадалар, спорт мусобақалари, фанлар бўйича олимпиадалар ўтказишни кўпайтириш;

— мактабдан ташқари муассасаларни бевосита умумтаълим мактаблари, билим юрти қошида ташкил этиш.

3. Республика, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг таркибини кўриб чиқиш. Қуйи комиссияларнинг ҳисоботини ҳар ярим йилда бир марта эшитиш. Шаҳар ва туман комиссияларига масъул котиб лавозими штатини киритиш.

4. Тарбияси оғир, жиноят содир этишга мойил бўлган ҳамда алоҳида кучайтирилган назорат ва тарбия талаб қиладиган 14—17 ёшли ўғил болалар учун, бундан ташқари, руҳий касал ва ақлан заиф ўсмирлар учун ёпиқ турдаги махсус даволаш—тарбиялаш, ўқув муассасаси ташкил этиш.

5. Ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи дўконлар иш вақтини чегаралаб қўйиш, савдо билан шуғулланувчи вояга етмаганларнинг аниқ ёшини белгилаш.

**— Ботир Раҳматович, бола ҳеч қачон жиноятчи бўлиб туғилмайди. У муҳит таъсирида жиноятчиларга тўқнаш келади, уларга эргашади, жиноятга қўл уради. Уларнинг тарбияси кўп жиҳатдан мактабга боғлиқ.**

— Дарҳақиқат, ёшлар, ўсмирлар, айниқса ўқувчи ёшлар орасида жиноятчиликнинг ўсиб бориши, унинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар етарли эмас. Бунинг ижтимоий илдизига болта урмас эканмиз, ишона беринг, ишимиз исталган натижани бермайди.

Мактаблар , техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари талабалари, ҳатто ўқитувчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар сони ошган.

Бу жиноятлар, табиийки, ўқувчи-ёшлар орасида тўсатдан пайдо бўлаётгани йўқ. У ҳали айтганимиздек, чуқур ижтимоий илдизга эга. Бу илдиз тарбия муассасаларимиз — мактаб ва бошқа ўқув юртларимизда таълим берувчи кўпчилик муаллимларимизнинг савия ва билимлари яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги, ёшларимиз эса ана ўша «саводхон»лардан таълим олаётганлиги билан исботланади.

Ўз ўқувчисидан нос ёки папирос сўраб чекадиган ёки улар билан арoқ ичадиган ўқитувчи-педагогларни кўплаб учратиш мумкин.

—Биз тарбияни энг аввало, тарбиячилар савияси ва дунёқарашлари — билим ва аҳлоқларини тарбиялашдан бошламоғимиз даркор. Бу издан чиққан социал иллатни йўқотиш барчамизнинг ишимиз бўлмоғи даркор.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**


*«ТУРКИСТОН» газетаси таҳририяти республикамиздаги барча ташкилот ва корхоналар ҳамда жамоаларнинг реклама ва эълонларини чоп этади.*

*АГАР Сиз реклама ва эълонларингизни «Туркистон» газетасида чоп эттиришни хоҳласангиз қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг.*

*33-79-69, 36-58-48*

*БИЗ Сизнинг эълон ва рекламаларингизни энг арзон, энг сифатли ва имтиёзли тарзда газетамизда чоп этамиз. Сизга ўз шеригингизни топишда ёрдам берамиз.*

